



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 19 август,
шанба № 136-137 (2186)

ISHONCH

Эътироф

Ўзбекистон истиқлолининг ўн беш йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан фан, техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида янги Давлат мукофотларининг таъсис этилиши ижодкор зиёлилар фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган ва ривож топтирадиган катта воқеа бўлди.

Пиримкул КОДИРОВ,
Ўзбекистон Халқ ёзувчиси

Янги ижодий юксакликлар рағбати

Президент Фармони фан, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида аввал берилган Давлат мукофотларининг мавқеини сақлаб қолганлиги миллий тараққиётимизнинг тадрижийлигини намойиш қилади. Айни вақтда, янги таъсис этилган мукофотлар ижодий соҳаларнинг барчасини яхлит тизим шаклида қамраб оладиган ва жаҳондаги энг нуфузли мукофотлар тажрибасини назарда тутиб тузилган мукамал низомга эга бўлади. Шу тарзда асарларга қўйиладиган талаблар ҳам, улар учун инъом этиладиган моддий ва маънавий рағбатлар ҳам сифат жиҳатидан янгиланади ва жаҳон андозаларига мос келадиган юксак даражага кўтарилади.

Янги таъсис этилган уч йўналишдаги Давлат мукофотлари тизимида адабиётга махсус ўрин берилгандир: адабий йўналишдаги биринчи даражали Давлат мукофотлари ўзбек адабиётининг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилган, кенг жамоатчилигимиз томонидан эътироф этилган, халқаро миқёсда миллий адабиётимизнинг обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилган, улкан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган юксак савиядаги шеър, насрий ва драматик асарларга берилиши Низомда аниқ кўрсатилган. Шу билан бирга ўзбек адабиётига мансуб энг нодир асарларнинг хорижий тилларга қилинган етук таржималари ва адабиётшунослик йўналишидаги фундаментал тадқиқотлар ҳам ҳар қайсиси энг кам ойлик иш ҳақининг 500 баробарига тенг бўлган биринчи даражали Давлат мукофотлари билан тақдирланиши белгилаб қўйилган.

Адабиёт соҳасида ҳар қайсиси энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баробарига тенг бўлган иккинчи даражали Давлат мукофотлари билан ўзбек адабиёти ривожига муносиб ўрин эгаллаган етук бадий ва публицистик асарлар, жаҳон адабиётидан ўзбек тилига қилинган энг яхши таржималар тақдирланади. Ушбу Давлат мукофотларининг адабиётшунослик соҳасидаги мукамал тадқиқотларга, публицистик асарларга ва жаҳон тилларидан қўлинган бадий таржималарга ҳам берилиши миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштиришдек улуг мақсадга хизмат қилади. Давлат мукофотлари танловида голиб чиққан адабиёт дарсликлари ҳам бу мукофотга сазовор бўлиши мумкинлиги таълим соҳасини ривожлантиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Ушбу Давлат мукофотлари Ўзбекистон фуқаролари қаторида мамлакатимиз фан ва техникаси, адабиёти, санъати ва меъморчилиги ривожига йўналишдаги алоҳида хизматлари учун хорижий давлатлар фуқароларига ҳам берилиши — Ўзбекистоннинг дунёга очиқ мамлакат эканини яна бир бор намойиш қилади.

Ҳар икки йилда бир марта бериладиган Давлат мукофотлари номзодларни вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари кўрсатадилар ва тегишли тавсияномаларни Давлат мукофотлари бўйича кенгашга тақдим этадилар.

Талабгорларнинг ишлари танлов асосида кўриб чиқилади. Давлат мукофотлари бўйича кенгаш ва унинг уч асосий йўналишда иш олиб борадиган шўбалари тақдим этилган ишларни уч ой мобайнида кенг жамоатчилик иштирокида муҳокамадан ва экспертизадан ўтказилади. Муҳокамаларнинг очиқ, ошқора ва ҳаққоний ўтишига алоҳида эътибор берилади.

2007 йилдан бошлаб Мустақиллик байрами арафасида Президент Фармони билан бериладиган янги Давлат мукофотлари энг етук ижодкор зиёлиларимизни миллатимиз ифтихорига сазовор бўладиган улкан илмий ва бадий кашфиётлар қилишига илҳомлантиради. Бундай кашфиётлар мамлакатимиз ҳаётини янгилаш, кучли давлатдан кучли жамият сари юксалиб бориш, иқтисод ва маънавиятни янги тарихий босқичларга кўтариш каби олижаноб мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Мустақиллик иншоотлари

МАҲАЛЛА АҲЛИ УЧУН ТУҲФА

Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан кўплаб хайрли ишларга қўл урилмоқда. Бунга Тошкент шаҳрининг Учтепа туманидаги Журжоний номли маҳалласида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари мисол бўла олади. Бу ерда 32 мингдан ошқ аҳолига мўлжалланган 8-оилавий поликлиника, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, тўқимачилик фабрикаси ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини биноси барпо этилди.

— Маҳалламиз 1963 йилда ташкил топган бўлиб, 3000 нафар аҳоли истиқомат қилади. Худудимиздаги бундай иншоотлар мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида очилишидан беҳад хурсанд бўлдик. Ушбу қурилиш ўтган йили бошланиб, унга шаҳар, туман ҳокимликлари ва бошқа ташкилотлар ҳомийлик кўрсатишди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтинур Саидов.

Маҳаллада оилавий поликлиника барпо қилиниши аҳоли учун бир мунча қулайликларни яратди. Ушбу масканда барча шароитлар бор. Хайротий, Давлатобод, Чаманзор каби 9 та маҳаллага 50



нафардан ошқ малакали шифокорлар хизмат кўрсатади. “РАМУК ТЕКСТИЛ” МЧЖ хорижий корхонасида эса 300 дан ошқ хотин-қизлар ишли бўлишади. Бу жойда асосан трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, бир кунда 250 нафар бола шугулланиши учун имкониятга эга бўлган спорт-соғломлаштириш мажмуасида футбол

майдончаси ва замонавий зал барпо қилинди. Мажмуада баскетбол, волейбол, футбол, стол теннис, бокс, Турон якка кураши, шахмат-шашка бўйича шугулланиш мумкин. Маҳаллага кириш йўллари асфальтланди. Муҳими, аҳоли учун ҳақиқий байрамона туҳфа бўлди.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Ватан

Улуг байрам келди, жсон юртим!
Ташриф этди энг асус меҳмон.
Карнай-сурнай янгарар бетиним,
Дутор наволари жсонга-жсон.

Кушлар сайрап, о, ҳаёт гўзал,
Боғлар яшнар, мусаффо ҳазо.
Даспурихонда таомни асал,
Касрабо чой — танга минг даво.

Дустлар келар совга кўтариб,
Насиб қилмиш азжиб бир тақдир.
Тенгасиз юртим, сенга йўқ ташриф,
Бу гўшада яшаш ҳам бахтдир.

Бунёдкор эл, самога пайванд
Випо битар — сизмайди тушга.
Шарин ўйлр билан ҳамма банд,
Интилади уқшига, ишга.

Ёш асладнинг дилда сурури,
Қадим боғ ҳам беради мева,
Дано элнинг шухрат, гурури —
Самарқанду Бухоро, Хива.

Бунда Амир Темури, Навоий,
Юлдузларга боқар Улугбек,
Фан қудуши, шеърят оиди
Барча бунда, боқий улуклик.

Иқтидорли, ҳассос халқ сови
Бахат ҳақида қўшиқ айтади.
Шундай элким, унинг овози
Мозийларга бориб қайтади.

Ёшлар айлар ҳурмат доимо,
Кекса дилга меҳр тунқасиб.
Минг шукрим, яшамас менга
Шундай юртимда айлади насиб.

Константин ПЕРЕВЕРЗЕВ

Тест синовини натижаларидан сўнг

Бугунги кунда ёшларимизда ҳарбий соҳага кизиқиш тобора кучаймоқда. Бу улардаги она-Ватанга хизмат қилишдек шарафли бурча содиқлик, халқига чексиз муҳаббат туйғуларидан далолатдир. Мамлакатимиз Куролли Кучлари сафларини алпкоматли, метин иродали, жасур ва қалби юрт ишки билан ёнган ўғлонлар тўлдирмоқда. Ва ўз навбатида, армия ҳаёти улар учун том маънода чиникиш, иродани тоблаш, соғлом турмуш тарзига одатланиш мактабини ўтамоқда.

Муддатли ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар ҳаётда ўз ўринларини тезда топиб кетишади. Боиси, уларда аскарлик даврида барча қийинчиликларни осонлик билан енгиб ўтиш кўникмаси шаклланди. Давлатимиз томонидан ҳам ана шундай ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида мудатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан хизматни ўташ жараёнида ишончли оқлаб, махсус йўлланмани қўлга киритган собиқ аскарлар олий ўқув юртларида таълим олишда қатор имтиёзлардан фойдаланишмоқда.

Кунини кеча Давлат қабул комиссияси эълон қилган тест синовлари натижасига кўра, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган бир қанча ёшлар тўпланадиган энг кўп балл-

Аскарликдан — талабалikka



нинг 25 фоизи миқдоридан кўшимча балл шаклида имтиёз билан талабалик баҳтига эришдилар. Шунингдек, тўлов-контракт бўйича ўқишга қабул қилинган ана шундай талабалар шартнома суммасининг 35 фоизи миқдоридан моддий ёрдамга эга бўлишади. Бундан кўзланган асосий мақсад она-Ватанга ҳақиқий посбон бўла оладиган ёшларни рағбатлантириш,

уларни интеллектуал жиҳатдан етук, халққа янада кўпроқ фойда келтирувчи инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.

— Аскарлик бурчини ўтаган йигитлар ҳаётда оқ-қорани таниган, ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширишда қатъиятли, масъулиятли бўлишади, — дейди ЎзМУ қабул комиссиясининг физика фа-

энг катта орзуим эди. Армияда яхши хизмат қилганим, зиммамга юклатилган топшириқларни аниқ ва ўз вақтида бажариб, командирларим ишончини қозонганим тўғрисида бу бахтга эришдим. Бизга кенг йўл очилиб, олий ўқув юрти талабаси унвонини олишимиз учун алоҳида қулайликлар яратилганлиги учун Юртбошимизга аскар-талабалар но-

культети бўйича котиби Бобур Нурматов. — Бу талабалар учун энг керакли фазилатлардир. Шу маънода ҳарбийда аъло даражада хизмат қилган ёшларга ўқишга киришда имтиёзлар белгиланганлиги айна муддао бўлди. Факультетимизга ҳарбий хизматни ўтаган жойидан берилган махсус йўлланма билан жами 8 нафар абитуриент ҳужжат топширган эди. Уларнинг 3 нафари давлат гранти, 5 нафари тўлов-контракт бўйича ўқишга қабул қилинди. Ушбу талабалардан яхши мутахассислар етишиб чиқишига ишонаман.

Ҳа, армияда чиниққан, ҳар томонлама мустақил фикр юрота оладиган ёшларнинг келажагига ишонса бўлади. Уларнинг сафи кенгайшидан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

— Университетга имтиёзли балл ёрдамида давлат гранти асосида ўқишга кирдим, — дейди Одил Маҳмудов. — Астрономия соҳасини эгаллаш

мидан раҳмат айтаман.

— Бундай имкониятдан фойда хурсандман, — дея сўхбатга қўшилди Ориф Жабборов. — Биология факультетига тўлов-контракт бўйича ўқишга қабул қилиндим. Албатта, бу имтиёзга менга берилган ишонч сифатида қарайман. Бу эса ўз-ўзидан кишига катта масъулият юклайди. Мустақил ҳаёт йўлида ҳам ҳарбийдагидек эл-юртим учун астойдил хизмат қилишга ҳаракат қиламан. Юртбошимизнинг меҳрибонликлари руҳимга қанот берди. Энди бунинг қадрига ўқиш ва амалий иш билан етиш керак.

Шубҳасиз, армия кўплаб ёшларимиз учун тарбия ўчоғи бўлмоқда. Ҳарбий хизматда тобланган йигитлар Ватанга чинакам фарзанд бўлиб, унинг янада равнақ топиши ва гуллаб-яшнашига ҳисса қўшишга бел боғлашган. Ватан фидойи фарзандларини эъзозлашга ҳамisha қодир.

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
«Ишонч» мухбири

Кисқа сатрларда

ИРИК ИЛМИЙ МАРКАЗ

Тошкент обсерваторияси ўзининг кўп йиллик тарихига эга. Туркистонда илк бор бунёд этилган бу даргоҳ фазовий кузатишларни олиб бориб, астрономия фанига катта қўшди.

Унинг илмий фаолиятини кенг йўлга қўйиш мақсадида обсерватория Астрономия институтига айлантирилди. Бунга ҳам 65 йил бўлди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг мазкур илмий муассасаси ўтган давр ичида ҳар томонлама кенгайди. Осмон юлдузларини ўрганишга доир тадқиқотлар асосида қатор илмий тўпламлар босмага тайёрланди. «Кўёш — физика» бўлимида амалга оширилган тадқиқотлар эса халқаро доирада яхши танилди.

ЯНГИ ИХТИСОСЛИКЛАР

Мамлакатимизда кутубхоналар фаолиятини янада яхшилаш йўлида тадбиркорлик билан иш юритилмоқда. Республика аҳолисини ахборот-кутубхоначилик жараёнлари билан яқиндан таништириш тўғрисида ҳукумат қарори ҳам айна муддао бўлди.

Мазкур ҳужжат малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш учун ҳам йўл очиб берди: Тошкент давлат маданият институтида «Ахборотлаштириш ва кутубхонашunosлик» ихтисослиги бўйича ўқув машғулотлари ўтказилади.

Янги ўқув йилидан Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам шу йўналишда бакалаврлар тайёрлашга киришилди.

Акбар АЛИЕВ

Ватан танда, жонда,
қонда бўларкан

Хизматимиз юрт садоларидан анча олисда, қорли-кировли, тунлари нурафшон ўлкада ўтган. Кун санардик. Шовуллаган ўрмон оралаб ўтган сўқмоқдан оғир этикларни судраб одимлаганмиз. Ўй ҳамроҳ бўларди. Биз сингари ўйчан киши билан ҳар кун тўқнаш келардик, нигоҳлар учрашарди. Қайда кўрганмиз. Яқинлик бордек эди, назаримизда. Ўзбекка ўхшайди-я. Сочлар сариқ, кўзлар мовий. Аммо дил яқиндек. Толибжон исми тожик дўстимизнинг жағи тинмайди. Кафолат бераман, у ўзбек. Бир кунини сўхбатга тортдик... Адашдингиз... Тарвуз қўлтиқдан тушди. Шу-шу эсламай ҳам қўйдик.

Наврўз арафаси эди чоғи. Навбатчи биров йўқлаётганини айтди. Ўша нусха. Четроққа ўтган «ўзбекман», деди ёт тилда. «Бобокалонимиз Ўзбекистондан бўлган экан. Қатагон қурбони. Кўрмаганмиз. Бувимнинг узук-юлуқ ҳикояларини эшитиб улғайганмиз. У ҳам ўтган. Ота-онамизни ҳам эрта бериб қўйганмиз». Тин олади. «Кўксимда кўпдан буён нимадир гимирлайди. Менга нотаниш юртни соғинаман. Айтмоқчи эмасдим. Бўлмади. Ҳаловатни йўқотдим...»

Шу-шу Қадам (исми Гадам, ўзбекчалаштирдик) билан тез-тез учрашиб турдик. «Учқудук»ни биргаллашиб куйлардик. Буюк бобокалонимиз Соҳибиддин давлат Амир Темури ҳазратлари ҳақидаги ҳикояларимизни қулоқ қоқмай тинглардик. Шундай буюк халқ зурриёдиманми, дерди гурурланиб. Биз бошқача ўқиганмиз. Бари ёлгон экан-да. Ҳар гал қани ўзбекдан, Ўзбекистондан бошла, дерди вужудни қулоққа айлантириб. Ўзбекининг шакл-ша-

Эссе

Бедананинг саси унга бегона. Сокин тунда полиз ифорини, қовунларнинг тарс-тарс ёрилишини у ҳеч маҳал ҳис қилолмайди. Аммо унинг қора кўзларидан ўт чакнаганини, ботиний соғинч ҳисси гупураётганини пайқаганмиз. Билмадик, балки бу қондадир...

мойили қандай ўзи?..

...Муҳаммад Саҳадинов деган қадрдонимиз бор. Пайкалда ўзи билан ўзи гаплашиб юради. Экинлардан ҳол сўраётгани кўп бор қулоғимизга чалинган. Зовур чеккасига минг туп терак экиди. Кампирининг ҳай-ҳайлашига қарамасдан қапага кўчиб олди. Ёши саксонни қораласа ҳам, қўлдаги кетмонни кўяй демайди. Фарзандлар ҳай-ҳайлашига қарамай ер олган. Пахта-галлани дўндиради. «Набиром Сардоржоннинг ери бу» деб қўяди. Ҳали атак-чечак боланинг кўлидан тутиб дала айлантиради. Дала чеккасига 2 минг туп туп кўкартирган. Анча жанжалкашлиги бор. Қаттиқ кўрийдим. Тўздорга ноҳўя оёқ босганини ошириб қуведи. Ҳар йили мактанани. Фалон тонна барг сотаман. Аммо ипак қурти мавсуми келса бирдан бўшашиб қолади. Тут новдаларини пиллачиларга тақсимлаб беради. Биров пул берай демайди. Уям сўрамайди. Каллакланган тутларга сув тараб яна ваҳожатга минганини кўрасиз. Фалон миллион сўм фойда келтираётган тутзоримни пайхон қилма. Мана, ўн йилдирки шу аҳвол. Кармони эллик тийин фойда кўрмаса ҳам тутга меҳри

бўлакча.

Беш-олти йил илгари ерни топширдим. Оёқни узатиб дам олмоқчи эди. Даладан узоклашиб ҳам кетди. Айни қаҳратонда тутлари ўтин бўлаётганини эшитиб далага югурди. Жанжални қилди. Ерни янги соҳибдан қайтариб олди. Оз эмас, юз тупдан ошиқ туп тут яроқсиз ҳолга келган экан. Қўрадаги қўйларни бозорга солди. Пулига кўчат олиб экиди. Сардор ҳам бобосига тортган. Ўзини шу ернинг соҳибидек ҳис этади. Бобо кўкси гурурга тўлади. Қўшниси бор, тенгқуроб. Ҳар кун қоп кўтариб Муҳаммад ака даласига келади. Ҳайҳотдек томорқада қўй тишига илинадиган ўт йўқмиш. Шўрадан оёқ босиб бўлмасмиш. Қапада ўтириб эгзовик қилади. Қариганда бу не азобмиш. Уйда ётиши керакмиш. Муҳаммад аканинг пешонаси тиришади. Қўшни хузур қилади.

— Ўзинг-ку далани алдаб, томорқани ҳароб қилаяпсан, яна файласуфликка бало борми, — кўнглидан ўтади Муҳаммад аканинг.

Мана шунақа, Қадамбой. Сен балки вужудингдаги қанча қардош Муҳаммад акани кўмсагандирсан. Тан, ранг ўзга бўлса ҳам

қон бир-да. Турмуш ташвишлари зўр келди чоғи номалар ҳам олмай қўйдик. Барибир хафа эмасмиш. Чунки сенда ота маконга оташин муҳаббат, соғинч бекиёслигини кўрганмиз. Омон бўлсанг, ўзинг айтганингдек бир кунни тупроғини тавоф этарсан.

Ҳа айтмоқчи, жонотлар орасида юракка бири жуда яқин. Уни ҳар гал кўрганимизда тунд чехрамиз ёришади. Марҳабо, дея эшиқларимизни ланг очиб кўямиз. Бошимизни майин патлари ила силашга чоғлангандек ҳеч ийманмайди. У кирган хонадонда хушнудлик ҳукмрон бўлади. Уйимиз тўридан жой ажратамиз. Полапонлари чийқиллашдан кўнглимиз хузур топади. Қайсидир замонда қай бир авлодимизни сақлаб қолгани бизга ривоятларда етиб келган. Бу юрт тамойили шундай. Биз уни соддагина, лўндагина қилиб одамгарчилик дея атайимиз. Ана шу туйғу Муҳаммад акани қора терга тошириб тутзор барпо этишга ундаган бўлса не ажаб. Эзгулик кўрсатиш илинжида яшаётганлар оз эмас бу элда.

Яна бир гап. Бир йигит бўларди. Сен кўрмаган меҳрни кўрган. Шу кучоқда улғайган. Энг сара неъматларини ошалаб еди. Со-

гинч, қадр туйғусидан бегона. Кимнингдир кўзида қароқ эди у, пуфлаб ўстирди. Шамолга ота она кўксини тутди. Сояда ним-ҳол-нимтатир улғайди. Эр етгач, турли кўчаларда тентиради. Май сипқорди. Кўнгли нени тусаса қилди. У шўрликнинг баҳраманд бўлишдан ўзга қори йўқ эди. Тўраликни ҳавас қилди. Оғзидан думалаган сўзини қулоғига сиргадек тақиб олишларини кўмсади. Аввал улғайтирган отасига насихатдан бошлади ишни. Ўзига ўхшаган сояпарастларга хон бўлди, бек бўлди, уламо бўлди. Божу хирожни жойига қўйди. Ташланган суяқдан бўйин товламасди. Охир оқибатда қутирди. Уни улғайтирган хонадонга, заминга тиш қайради. Иснод келтирди. Онаизорини қақшатди. Тўқ болани шўхликлари олиб кетди...

...Шу топда олисдаги қадрдонни эслаб қолдим. Негалигини ўзим ҳам билмайман. Балки унинг дийдорига тўелмаган юртга соғинчи, меҳри, ҳаваси қўлимга қалам тутқазгандир. Балки Муҳаммад акадаги қуюнчақлик илҳомлантирди?! Нима бўлганда ҳам, Қадамбой бир келсайди. Биз таърифлагандан-да минг чандон зиёд бўлган юрт жомолига тўярди. Кўхна Шошни, Самарқанду Бухорони кўрсатардик. Бедазорда беданалар сайрашини тинглардик. Муҳаммад аканинг тутзорда ҳар тун қош қоқувчи ойга термулиб сўхбатлар қурадик. Бу даврга ўз томорқасига бир кетмон уришининг эвини қилолмаган қўшни ҳам, отасига насихат берадиган йигит ҳам қўйилмасди. Сен Муҳаммад акани танийсан. Гарчанд кўрмасанг, учрашмасанг ҳам. Чунки Ватанга, юртдошларга меҳр-муҳаббат қалбда, танда, жонда, қонда бўларкан. Буни илк учрашганимизда пайқагандик. Сен юртни, юрт эса сени соғиниб-соғиниб қўяди...

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Хатлар — хаёт ойнаси

Газета ва газетхон

Яхши дам — меҳнатга ҳамдам

Мустақиллик байрами арафасида Данғара туманидаги «Найманча» ширкат хўжалиги ишчиларидан бир йўла 25 нафари «Раққон» санаторийсида дам олиб, соғлиқларини тиклаб қайтишди.

— Илғор механизатор ва ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларга етарли шароит яратиб бериш масаласи доимо эътиборда, — дея таъкидлайди ширкат касабакўми М. Шокирова. — Қолаверса, ана шу си-

«НАЙМАНЧА»ДА ТАШАББУС КЎП

ҳатгоҳ қаровсизлик туфайли ташландиқ ҳолга келиб қолганди. Ўтган йилги даромад ҳисобидан маблағ ажратиб, уни ўз кучимиз билан қайта таъмирладик. Юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар олиниб, мутахассислар жалб этилди.

Ҳозирги кунда бу сиҳатгоҳ Фарғона водийсининг энг сўлим масканларидан бирига айланган. Вилоятнинг барча туманларидан одамлар келишиб, дам олишмоқда ва шу ердан дардига шифо топмоқда.

Найманчаликлар агросаноат мажмуида ислоҳотларни жаддалаштириш қаторида ижтимоий масалаларни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратган. Жумладан, тасарруфдаги 40 та қишлоқда истиқомат қилаётган аҳоли масканларининг барчасида замонавий гузар, милиция таянч пункти, ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун майдончалар қуриб берилган. Бундан ташқари, 50 та кам таъминланган хонадон, 33 нафар боқувчисини йўқотган кишиларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улашиб турилади.

Куни кеча эса яна бир хайрли ишга қўл урилди. Тумандаги 2 нафар ногирон боланинг кўнгли олиниб, уларга аравача совға қилинди.

Анваржон САИДАҲМЕДОВ,
Фарғона вилояти

Жавоб

ЕР-УЧАСТКАСИ АЖРАТИЛДИ

Тахририятимизга Чирокчи тумани тасарруфидаги Хўжақўрғон қишлоғида яшовчи М. Эшноровадан шикоят-ариза келиб тушганди. Унда уй-жой қуриб олиш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб тегишли ташкилотларга ёзилган мурожаатлари ижобий ҳал қилинмаётгани, мутасаддилар масъулиятни ўз зиммаларига олмаётгани баён этилганди. Таъкидлаб ўтилган масалага аниқлик киритиш учун хат Қашқадарё вилоят ҳокимлигига юборилди. Яқинда ана шу мактуб юзасидан жавоб олдик. Унда жумладан, шундай дейилган:

«Хўжақўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи М. Эшнорованинг «Ишонч» газетасига йўллаган хати тегишли мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилди. Таҳлиллар жараёнида Меҳнатобод муқобил МТП худудидида фаолият кўрсатиб келаётган «Сухроб» фермер хўжалиги экин майдонидан фуқаро М. Эшнорова ноқонуний равишда уй-жой қуриш учун 0,04 гектар ер участкасини эгаллаб олганлиги аниқланди.

Шундай бўлса-да, хат муаллифининг оиласи ва яшаш шароити ўрганиб чиқилиб, амалдаги қонунларга кўра, яқка тартибда уй-жой қуриш учун 0,04 гектар ер участкаси шу фермер хўжалиги тасарруфидан ажратиб берилди».

А. УСМОНОВ,
Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари


Ислоҳот яратган имкон

ИМПОРТДАН ЭКСПОРТ САРИ

«Дўстлик» фермерлар бирлашмаси Шовот туманининг энг чекка худудидида жойлашган. Бу ерда шиша маҳсулотлари заводи қурилганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ ишбилармонликнинг қарор топгани туфайли бир кеча-кундузда 50 минг дондан зиёд 20 хилдаги сифатли шиша идишлари ишлаб чиқарилаёпти. Мавжуд цехларнинг барқарор фаолият кўрсатаётганлиги сабабли 200 нафар киши доимий иш билан таъминланган.

Завод маҳсулотлари жаҳон андозаларига жавоб бера олиши ва чидамлилиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Илгари унга фақат республикамиздаги консерва заводлари талабгор эди. Эндиликда Туркменистон, Қозоғистон ва Россия давлатлари билан ҳам ўзаро маҳсулот айирбошлаш бўйича истиқболли шартномалар тузилаётир. Бу ҳамкорлик шиша идишларини ишлаб чиқариш учун четдан келтирилатган зарур хомашёни арзонлаштириш билан биргаликда кўшимча цехлар барпо этишга ва янги ишчи ўринлари яратишга имкон бериши шубҳасиз.

Дилдора МУҲАМЕДОВА,
Хоразм вилояти



Исонга ҳар неки жоиз ва раво,
Юртимнинг ҳар гийҳ, кўкати даво.

Эътибор

БАЙРАМ СОВҒАСИ

Узун тумани соғлиқни сақлаш бўлимида тиббиётни ислоҳ қилиш соҳасидаги ишлар жадаллик билан бормоқда. Хусусан, мустақиллик шарофати ила ўтган даврда марказий шифохона замонавийлаштирилди. Болалар ва юқумли касалликлар бўлимлари қайта таъмирланди.

Шунингдек, 12 та ҚВП қурилиб, 5 та врачлик амбулаторияси барча қулайликлари билан фойдаланишга топширилди.

Жорий йилда ҳам шундай ҚВП лардан яна 5 тасини қуриб битказиш режалаштирилган. Мутахассисларнинг саъй-ҳаракати туфайли туман марказидан 100 километр узоқликда жойлашган Боботўғ қишлоғи меҳнат аҳлига байрам арафасида барча қулайликларга эга қишлоқ врачлик пункти қуриб берилди.

Режалаштирилган юмушларни муддатидида удалашга ҳомийлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда яқка тартибдаги субъектлар ҳам яқиндан кўмаклашаёпти.

Тўлқин ТЕМИРОВ,
Сурхондарё вилояти

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Пойтахт вилоятининг Бекобод туманидаги барча таълим муассасалари ва мактабгача тарбия масканлари янги ўқув йилига тайёр қилиб кўйилди. Ушбу ишни муддатидан аввал удалашда туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги ташкилотлар қаторида ҳомийларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Масалан, Очилбой Холмонов бошчилигидаги фермер хўжалиги жамоаси меҳнаткашларнинг 70 нафардан ортиқ фарзанди тарбияланаётган «Қалдирғоч» номли кичкинтойлар масканини юз фоиз таъмирлаб, замонавийлаштириш ва озик-овқат маҳсулотларини беминнат етказиб турибди. «Дўстлик» ширкат хўжалиги жамоаси эса 52-ўрта мактабга 11 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Шунингдек, Навоий номли ширкат хўжалигида жойлашган 41-ўрта мактабни жорий таъмирлаш учун тадбиркор Муҳаммадали Расулов 1 миллион 400 минг сўм маблағ ўтказиб, ҳомийлик қилди.

Муқаддас АЛИЕВА,
Тошкент вилояти

Донолар

демишки...

Саховатли киши
шундай инсонки,
бирова сўрамай
олдидан ўзи билиб
ҳадя қилади.
Имконинг кўтари-
шига қараб
сахийлик қил,
бировларга тақлид
қилган ҳолда
сахийлик қилма!

ШЕРОЗИЙ

Тадбир

«МОВИЙ ДЕНГИЗ» ОРОМҒОҲИДА

Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси мутасаддилари ташаббуси билан «Мовий денгиз» болалар оромгоҳида кўчма семинар уюштирилди. Тадбир иштирокчилари болаларнинг кўнглини дам олишлари учун яратилган барча маърифий-тарбиявий ишлар билан яқиндан танишишди, фикр-мулоҳазалар алмашилди.

— Бу ерда дам олувчиларнинг асосий қисмини кам таъминланган оилалар фарзандлари ташкил этади. Уларнинг ҳар куни мазмунли ўтишида «Нурафшон» хусусий фирмасининг хизмати беқийсдир, — дейди оромгоҳ бошлиғи Гулбахор Каримова.

Семинар сўнггида касаба уюшма ходимлари 2007 йилда оромгоҳда амалга ошириладиган долзарб ишлар тўғрисида ҳам режалар тузиб олишди.

Н. ШАМШИЕВА,
Сергели туман касаба уюшма вакиллиги вакили

Саҳифани **А. ҲАҚБЕРДИЕВ** тайёрлади

Хикоя

Наполеон армиясининг бир маршали қисмати ҳақида қуйида баён қилинажак ҳикоя нозик инсоний туйгуларнинг танқислигидан зорланиб юргувчи китобхонларнинг эътиборига арзигуликдир. Бу маршалнинг исмини расмий тартиб билан қўймаслик андишасида сир тутамиз.

*

*

Бу маршал ҳали навқирон эди. Сал-пал оқ оралаган сочлари ва ёноғидаги чуқур чандиқ унинг чеҳрасига қандайдир жозиба бахш этар, бу чеҳра ҳарбий юришлар ва бу юришлар "ҳадя этган" маҳрумийлар натижасида қорайиб кетган эди.

Аскарлар ўз маршалларини севардилар; зеро, у уруш машаққатларини аскарлар билан барабар тортар, аксаран плашига ўраниб олиб тўғридан-тўғри дала-даштда — гулхан ёнида ётиб қолар ва трубаининг бўғик сасидан уйғониб кетарди. Тагин у аскарлар билан бир сувдондан сув ичар, тўзиган, чангчунг мундирда юрарди.

Маршал беҳад толиқтирадиган ҳарбий юришлар ва жангу жадалдан бўлак ҳеч нарсани кўрмас ва билмас ҳам эди гўё. Қачондир бир пайт эгардан эгилиб, ҳозиргина оти мажақлаб ўтган майсанинг номини бирор-бир деҳқондан сўраш ва ёқим шунга ўхшаш Франция шон-шарафи учун ўзлари истило этган шаҳарнинг нима билан шуҳрат топганлиги хусусида бирор нарсани билишга интилиш унинг хаёлига ҳам келмасди. Тўхташ билмаган муҳорабалар уни камгапликка, шахсий ҳаётни бутунлай унуттишга маҳкум этганди.

Қиш кунларининг бирида маршалнинг Ломбардияда тўхтаб турган отлик корпуси зудлик билан Олмонияга олға кириб бориш ва "Буюк қўшин" билан бирлашиш ҳақида буйруқ олди. Ўн икки кун деганда корпус тунаш учун кичкина олмон шаҳарчасига қўнди. Қор билан қопланган тоғлар тун қўйнида оқариб кўриларди. Атрофда қорақайин ўрмонлари чўзилиб кетган, бу тўнган олам қўйнида фақат юлдузларгина чарақлаб ётарди.

Маршал меҳмонхонада тўхтади. Кечки овқатдан сўнг у кичкина залда каминининг олдида ўтириб олди-да, қўл остидаги рухсат бериб юборди: у жуда ҳориган, кўнгли ёлғизликни тусамокда эди. Қулоғига чорға ботган шаҳарчанинг сукунати болаликни ва ёқим кўрган-кўрмаганлиги ўзига ҳам иштибоҳли бўлиб туюлаётган яқин бир тушинини хотирга солар эди. Тез кунларда ҳал қилувчи жанглар бошланишини маршал билар ва шу боис ҳам осойишталикка бу тахлит ноодатий интилиши ҳужумнинг шиддатли гўмбур-гўмбур олдидан табиий бир ҳордиқ ёзиш эканлигига ўзини ишонтирмоқчи бўларди.

Олов инсонни сеҳрлаб, гангитиб қўяди. Маршал ҳам ёниб турган оловдан кўзини узмай ўтираркан, залга озғин, қушбашара ўрта яшар бир киши кириб келганини пайқамай қолди. Нотаниш кимса тўрлаб ямалган ҳаворанг фрак кийиб олган эди. У каминга яқин келиб, совқотган кўлларини исита бошлади. Маршал бошини кўтарди-да, норози бир оҳангда сўради:

— Кимсиз, жаноб? Нега бу ерга билдирмай кириб олдин-

гиз?

— Мен мусиқачи Баумвейсман, — жавоб қилди нотаниш кимса. — Менинг секин кириб

К. Паустовский

Тулмоҳиллар сузван сойлар

келганимнинг боиси шундаки, бундай кечаларда сассиз-садосиз қадам босиш истаги киши ихтиёридан четда бўлади.

Мусиқачининг чеҳраси ва овози маршални ўзига жалб қилди; маршал бир муддат ўйланиб

турди-да: — Оловга яқинроқ келинг, жаноб, — деди. — Тан олишим керакки, бундай осойишта оқшомлар менга ҳаётда жуда камдан-кам насиб бўлади; шундай лаҳзаларнинг бирида сиз билан суҳбатдош бўлаётганимдан мамнунман.

— Миннатдорман, — жавоб қилди мусиқачи, — лекин... Агар, рухсат этсангиз роял чалиб берардим. Икки соатдирки, қандайдир бир мусиқа хаёлимни буткул банд этган, мен уни чалмасам бўлмайди — баландда, менинг хонамда эса роял йўқ.

— Гарчанд... бу туннинг сукунати энг илоҳий саслардан-да ёқимлироқ... Йўқ, майли чалиб берақолинг... — деди маршал.

Баумвейс роял олдида ўтириб, эшитилар-эшитилмас овозда чала бошлади. Маршалга шаҳарча атрофидаги улкан ва айни пайтда майин қорлар садоланаётгандек; ана шу қиш, ҳа, қишнинг ўзи, қорақайинларнинг қордан букилиб кетган шохлари куйлаётгандек; ҳатто каминдаги олов жаранглаётгандек туюлиб кетди. У қошларини чимирди — тарашаларга тикилди ва олов эмас, ўзининг кўнжи баланд этигининг шпорлари жиринглаётганини сезди.

— Менинг тасаввуримда қандайдир жинлар, фаришталар жонланяпти... Сиз улуғ мусиқачи бўлсангиз керак...

Баумвейс чалишдан тўхтади: — Йўқ, мен кичик князлар ва помешчикларнинг тўйларида, байрам кечаларида созандалик қиламан, холос.

Эшик тарафдан чана товуши эшитилди, отлар кишнади. — Мен энди борай, — Баумвейс кўзгалди. — Отлар менга

келди. Хайрлашишга рухсат этинг.

— Қаёққа кетасиз? — сўради маршал.

— Тоққа, бу ердан икки лёе нарида ўрмончи яшайди. Унинг уйида ҳозир бизнинг ажайиб кўшиқчимиз Мария Черни меҳмон бўлиб турибди — бу ерга уруш жафоларидан қочиб келган. Мария туғилган кунини нишонлаётир — у бугун 23 ёшга тўлади. Ахир, қайси шодиёна кекса тапёр (созанда) Баумвейсиз ўтар эди дейсиз?!

Маршал ҳам креслодан тур-

кичкина йўлакчадан четга олганча, сувга шалолаб отилди.

— Гулмоҳи, — деди чанакаш. — Жудаям қувноқ баллиқлар!

Маршал кулимсиради. У ҳамон сархуш эди. Отлар чанани гизиллатиб тоғ сайхонлигидан олиб чиқиб, баланд томли эски уй олдида тўхтаганда ҳам бу сархушлик тарқалмаган эди.



Маршал ўрмончининг уйида икки кун қолиб кетди. Биз бу ўринда муҳаббат ҳақида гапирмаймиз — зеро, унинг нима эканлигини ҳануз билмаймиз. Эҳтимол, бу — тун билан ёққан қалин қор, қаҳратон кўйнида гулмоҳилар шалолаб

ди.

— Жаноб, — деди у, — менинг корпусим эртага эрталаб бу ердан жўнаб кетади. Агар сизга ҳамроҳ бўлсам ва бу оқшомни ўрмончининг уйида ўтказсам, беадаблик саналмасмикан?

— Ихтиёрингиз, — Баумвейс шундай деди-да, сипо таъзим бажо келтирди; аммо маршалнинг сўзларидан ҳайрон бўлгани кўриниб турарди.

— Бироқ, — деди маршал, — бу ҳақда ҳеч ким билмаслиги лозим. Мен орқа эшикдан чиқаман, чанага қудуқ ёнида ўтираман.

— Ихтиёрингиз, — такрорлади Баумвейс ва яна бир карра таъзим билан хонадан чиқди. Маршал жилмайиб қўйди — бу оқшом у шароб ичгани йўқ, аммо беғам бир сархушлик уни бутунлай қамраб олган эди.

— Қаҳратонда! — деди у ўзига-ўзи. — Жин урсин, ўрмонга, тунги тоғларга! Ажайиб!

У плашини елкасига ташлаб меҳмонхонадан бог орқали ими-жимида чиқди. Қудуқ ёнида чана турарди — Баумвейс маршални кутмоқда эди. Отлар пишқирганча, қишлоқ четида турган соқчининг олдидан физиллаб ўтиб кетишди. Соқчи одатига кўра, бироз кечикиб бўлса-да, милтигини елкасига олиб, маршалга ҳеч берди. У кўнғироқчаларнинг узоқлашиб бораётган жиринглашини тинглаб турди-да, бошини чайқади:

— Қандай тун бўлди бу ўзи-а?! Эҳ, қанийди шу пайт бир култургина оловдай вино бўлса!

Кумуш тақа қоқилган отлар елдек учар, уларнинг қайноқ нафасидан тумшукларидаги қорлар эриб борарди. Қаҳратон бутун ўрмонни аёзда қорақайинларнинг ҳаётбахш шарбати билан сақлаб қолмоқчидек дарахтларнинг поясига маҳкам чирмашиб олган.

Отлар сой олдида тўхтаб қолишди. Сой яхлалмаган эди. У тоғ унгуллари, зич ўрмонлар ичидан оқиб чиқароқ, бўронда синиб тушган шох-шаббалар ва яхлаган япроқчаларга кўмилганча қаттиқ кўпирар, тошларга урилиб шарқирарди.

Отлар сувга тумшук босишди. Сувда — уларнинг туёқлари остидан нимадир ялтироқ оқим бўлиб гириллаб ўтди-да, хуркиб, зудлик билан ўзини

Дераза ёп-ёруғ эди. Чанакаш чанадан сакраб тушди ва оёғини ёпиб келган пўстакни олиб қўйди.

Эшик очилди. Маршал плашини ечиб, Баумвейс билан ёнма-ён шамлар билан ёритилган пастак хонага кирди-да, бўсағада тўхтаб қолди. Хонада ясан-тусан қилган бир қанча эркак ва аёллар ўтиришарди.

Аёллардан бири ўрнидан кўзгалди. Маршал унга бир нигоҳ ташлаб, ички бир тўғу билан Мария Чернини таниди.

— Афв этгайсиз, — деди маршал салгина қизариб. — Чақирилмаган меҳмонни афв этгайсиз. Аммо-лекин биз аскарлар на оила, на байрам, на сокин ўйин-кулгуларни биламиз. Бугунги шодиёнангиз тафтидан баҳраманд бўлишга рухсат этгайсиз.

Кекса ўрмончи маршалга таъзим бажо келтирди. Мария Черни эса унга яқин келиб, кўзларига тикилди-да, қўлини узатди. Маршал Мариянинг қўлларини ўпаркан, бу қўллар унга муздек, бир бўлак муз парчасидек туюлиб кетди. Ҳамма жим қолди.

Мария Черни қўлини маршалнинг юзига охишта теккизди, чуқур чандиқни бармоқлари билан силаб туриб сўради: — Жудаям қаттиқ огриганмиди?

— Жудаям, — жавоб қилди маршал жилмайиб. — Бу қиличнинг зарбидан.

Шунда қиз йигитнинг қўлларидан тугди-да, меҳмонлар олдида бошлади. У, худди қайлиги билан таништираётгандек ҳижолатомуз, аммо ял-ял ёнганча, ўтирганларни маршалга таништирди. Меҳмонлар таажубда ўзаро шивирлашиб олишди.

Билмадим, азиз ўқувчи, Мария Чернининг портретини чизиб ўтириш керакмикан? Билмадим. Агар сиз ҳам мен каби Мария билан замондош бўлсангиз, бу аёлнинг ёрқин латофати, майин рафтори, унинг галати, бинобарин, мафтункор феъл-атвори ҳақида эшитгандирсиз. Мариянинг муҳаббатидан умидвор бўлишга бирор-бир эркак журъат қила олармиди? Бўлса ҳам, Шиллер каби инсонгина унинг маъшуқи бўлишга арзирди.

Хўш, кейин нима бўлди?

сув сачратаётган сойдир? Эҳтимол, бу — шамлар ёниб тугаётган, юлдузлар Мария Чернининг қароқларида чарақлаш учун дераза ойналаридан бўйлаган субҳи козиба таралган кекса дарахт ширасининг ҳиди, кўшиқ ва жарангдор кулгидир? Ким билсин. Эҳтимол, бу — қаттиқ эполетлардаги яланғоч қўллар, Баумвейснинг тўрлаб ямалган фракени, совқотган сочларини силаётган бармоқлардир? Бу — эр кишининг кўнғилга шу чоққача мулақо нотаниш нозу адолар ҳаққи, меҳру навозиш ҳаққи, ўрмон тунлари бағрида учган узук-юлуқ шивир-шивирлар ҳаққи тўккан кўз ёшларидир? Бу, эҳтимол, болаликнинг қайтишидир? Ким билсин. Ва эҳтимолки, бу — Мария Черни гулқоғозларни, столларни, муҳаббатининг гувоҳи бўлган хона эшикларини гайриихтиёрий силаб-сийпалаётган чоғда юракнинг, шувиллаб кетган, айрилиқ олди умидсизлиги, чорасизлигидир? Ва эҳтимолки, бу, алалоқибат — дераза ортида Наполеон жандармларининг қатъий команда-ю қийқириқлар остида машъаллар тутунига чўлғаниб эгарлардан сакраб тушган, шахсан императорнинг буйруғига биноан маршални қамоққа олиш учун уйга бостириб кирган маҳали аёл кўксидан отилган вола, унинг ақл-хушдан жудо бўлиб кулашидир?...

Теварак-атроф асли қадимгидай эди. Ўрмон шамоллар оқими таъсирида ҳамон ўшандай гувиллар, сой қорайиб кетган япроқларни ҳамон кичик гирдобчаларига солиб ўйнардди. Тоғда болталарнинг акси-садоси ҳамон ўшандай таралар, аёллар қудуқ атрофига тўпланволиб, ҳамон ўшандай жаврашарди.

Лекин негадир бу ўрмонлар, майин учиб-кўнаётган қор парчалари, гулмоҳиларнинг сой бағридаги шуълалари Баумвейсни фракининг орқа чўнтагидан эски, аммо қордек оппоқ қўл рўмолчасини олишга, уни кўзларига босиб, Мария Чернининг яшиндай тез ўчган муҳаббати ҳақида, ҳаётнинг баъзан мусиқага ўхшаб кетиши ҳақида пойинтар-сойинтар жумлаларни шивирлашга мажбур қилар эди.

Юрагининг қаттиқ санчиғига қарамасдан, Баумвейснинг лалари мазкур воқеанинг иштирокчиси бўлганидан ва кекса, қашшоқ тапёрнинг чекига камдан-кам ҳоллардагина тушадиган ҳаяжонли лаҳзалардан бенасиб қолмаганидан масрурлигини айтиб пичирлар эди.

Рус тилидан
Нодира АҒОҚОВА
таржимаси

Суд очерки

Темир панжара ортида ўтириш Атокул учун ҳақсизлик азобида эзилди, алдоқ сўқмоқларида умидвор тентираб яшагандан кўра ҳарна энгилроқдай эди.

Улар "Яшин бозор" рўпарасидаги мўъжазгина ошхонадан жой олишди. Дастурхон бирин-кетин тўлиб борди. Атокул стол устидаги кўлбола ароқ ёрлигига бирпас термулиб турди-да, мақсадга кўчди.

— Қалай, ишларинг битдимми?
— Зўр! Яна икки миллион сўмлик кредит олиб, сал арзонига бўлсам, нақдига алмаштирдим. Ахир чўнтақда нақд юрмаса, тижоратда қадам босиб бўларканми?

— Ол-а, ўзингни худди халқаро тижоратчилардай тутасан-а, қойилман! Айтгандай, яқинда ҳам кредит олувдинг-ку? Бунча қарзни қандай қилиб тўлайсан?

— Соддасан-да, соддасан. Ўйловчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битган экан. Нима, купон пулни эслай олмайсанми? Одамлар миллион-миллион қарзларини битта ёки иккита қўй қиймати билан текислаб қўйишганди. Бизга келгандаям бирор чораси топилиб қолар.

Тўлатилган галдаги қадахлар ҳам кетма-кет сипқорилган, Абдуллабойнинг бийронлиги янаям ошиб борди.

— Биласанми, фақат ердан эмас, осмондан бало келса ҳам, пул билан оғзига уриш керак. Ундан кейин пул-пулни топади, деган гапни ҳам мен айтганим йўқ.

Бу гал ниҳоятда ишончли "партнёр" топдим. Ўзиям ишни асли "ноль"дан бошлаган экан. Мана, яқинда яп-янги "Нексия" олди.

— Нима бўлибди. Чўмқуқ бўлиб, лайлакнинг юришига баҳс қилсанг, биласанми?..

— Қўйсанг-чи, ишимнинг охири шундоқ кўриниб турибди. Кўзимни чирт юмаман-у, бу пулларни бир-икки бора "уриштириб" оламан. Ахир, ҳар галги "попитка"м бирига бир қиймат ташласа, қорнимни оғритмайди..

— Ол-а, ҳали йўқ пулга бунча чўнтақ бичмасанг? Бунинг учун тер тўкиш керак.

Шу пайт кўҳликкина официантка қиз бир қўлида иссиққина қиймали сиккабоб, иккинчисида сирка эритмаси сепилган майда парракли оклийез олиб келди.

— Яхши қиз, бизга яна ароқнинг тозасидан айтинг, — гап қотди Абдулла.
— Бундоқ ўзингдан ҳам гапирсанг-чи, Ато. Тавба, сирли одамга ўхшайсан-ей!

— Нима дейишим керак? Ишим ўзимга ёқади. Жияним Дониёрни танийсан-ку, ўша билан ишлаяпман. Бугун соф даромадимизни банкда ҳисоблаувудим, нақд 4 миллионга етибди.

— О-ҳ, зўр-ку! — Танасининг аллақериди бир нардтомир "чирт" этиб узилгандай бўлди. "Қара-я, писмиқ шунча пули бўлса ҳам ичига ютиб, ҳеч пишани чиқармайди-я!" У кўнглидаги сездириб қўймаслик учун энгил табассум билан ўртоғига тикилди.

— Майли, ошна. Аслида, сенинг ютугинг бизнинг ҳам ютугимиз. Бу ўпкинчи дунёда бир-биримизни соямизга тортиб, қўлаб-қувватлаб юрганамиз қолади-да, нима дейсан? Кел, ана шу ютукларинг учун инамиз!

Атокул наҳорнинг нашъали уйқусида эди. Сахармардондан Абдулла уни сўроқлаб келибди.

— Кел, қани ўтир-чи, кеча яхши ухладингми?

— Айтсам ишонмайсан, жўражон, ҳатто чирим ҳам қилганим йўқ. Ҳалиги ўйловлар мени тинч қўярмиди? Менга қара, бир чин жўрачиллик қилгин...

— Ўша 4 миллион сўмининг менинг ҳисоб рақамимга тушуриб тур. Шеригим "оборот"да қанча улушинг катта бўлса, шунча яхши, деяпти.

— Эсинг жойидами ўзи! Ҳали бу пулларга қанчадан-қанча муаммолар кўз тикиб турибди. Жияним ҳам бунга асло рози бўлмайди.

— Бир тийининг ҳам ноўрин кетмай-

ди. Хоҳласанг қўлимга нон олиб, қасам ичишим мумкин. Атиги бир ҳафта ичида барча пулларингни нақд пул қилиб қўлингга қайтараман. Ё менга ишон-

ҳали ҳам дарак йўқми?

Дониёр бошқа пайт бўлса-ку бу шаъмаси учун нима деб жавоб олишини биларди. Лекин тоға босиқлик билан жавоб қилди.

— Ҳалитдан бичиб-солавермайлик, Дони! Ахир катта иш бўлгандан кейин, бирор сабаб билан ушлангандир.

Қани, мен бугун банкдан хабар

катда унга дуч келиб қолди.

— Қани, жўражон, ишим битгунча, эшагим сувдан ўтгунча, деганлари рост эканда! Нега мундоқ қочасан, номард!

— Оғзингга қара, ҳой, одамлар қарашяпти.

— Ҳали сен уятни ҳам биласанми?! Ориятли одам жонига оро кирган жўраси шаънини бунчалик ерга урмайди, билдингми?


— Қўй, шовқин қилма, четроққа чиқайлик...

Ишим тескари келди, жўражон. Оғзим билан қопланиб тушдим, тушунсанг-чи бундоқ.

— Хўш, нима қилибди! Орангта тушиб, энди кафангадро бўлишимни хоҳлаясанми? Қани, гапир! Ўзинг лафз қилгандинг-ку!

— Қўрқма, еб кетмайман шу пулларингни! Менга яна бир ҳафта, йўқ-йўқ, бир ой муҳлат бергин. Уларни тийинма-тийин қўлингга қайтараман.

Мушт бўлиб тугилган қўллар секин-



Тажрибали қонун ҳимоячиси Зафар Ризаев ҳикояси асосида

майсанми?

— Кеңирасан-у, бу борада сенга ёрдан беролмайман.

— Бунчалик оғсир бўлмасанг, жўражон. Ахир, нақд пул қилиб қайтараман, деяпман-ку! Чин йигитлик сўзим. Дониёрни ҳам, банкдагиларни ҳам ўзим кўндираман. Фақат, сен йўқ демасанг, бўлди.

Гарчанд, ҳеч ким кўзи билан кўрмаган бўлса-да, баъзида қаловини топиб, қорни ёндириш мумкин эканлигига ўзимиз ҳам ишониб қоламиз.

Ўша куни останада ноумид қайтгани билан Абдулла масалани ўз ҳолига ташлаб қўйгани йўқ. Аксинча, банк масъулари ва Дониёрни дардига дармондай секин-аста мойил қилди. Бақамти юзлашув Атокулнинг ҳам тилини калимага келтирмай қўйди. "Майли, бир ҳафталик фурсат ўтмасдан қоларканми? Қолаверса, шунча пулларни ким ҳам нақд пул тарзида қайтариб бера оларди?"

Шу аснода кунлар ўтиб, пулларни нақдига санаб оладиган фурсатлар тора-бора яқинлашаётганди.

Атокул тунда ёмғир ёғиши мумкинлигини ўйлаб, жойини пешайвонга тўшатган эди. Эрта тонгда дарвоза тақиллагандай бўлди-ю, ўрнидан сагчиб туриб кетди. "Ҳойна-ҳой Абдулла келди-ёв! Ҳа, у худди шундай қилиб тақиллатади." Эшик ёнига чиқса, ҳеч кимса йўқ. Ҳафсаласи пир бўлгани билан тушқунликка тушмади. "Ахир, энди тонг ёришяпти-ку!" Акаси ҳашарга айтирувди. Анча вақт бориши ё бормаслигини билолмай, ивиришиб юрди. "Мен айни кетган паллада келиб, ҳалак бўлиб ўтирмасин". Сўнгра, диққатини дарвоза томон жамлаганича айқаш-уйқаш ҳаёлларини тартибга сола бошлади.

Кечқурун Атокулнинг кўзлари телевизорда бўлгани билан, фикри-хаёли кўча эшикда эди. Аксига олиб наинки кечқурун, балки эрта, индинга ҳам кутган кишидан дарак бўлмади. Эрталаб энди кийиниб кўчага отланаётган пайтда останада Дониёрга дуч келди.

— Нима бўлди, тоға, ошангиздан

олайчи...

Атокул кўркам бино рўпарасида "Тико"дан тушиб қолди-да, бирров ён-атрофдагиларга разм солиб, бинонинг юқори қаватига кўтарилди. Таниган-билганларидан Абдулланинг дарагини сўради. Бир хаёли таваккал қилиб раҳбарнинг қабулига кирмоқчи ҳам бўлди-ю, яна андиша устунлик қилиб, шаштидан қайтди.

Бир оздан сўнг Атокул Абдулла яшайдиган Оқработ қишлоғи сари йўл олди. Йўл-йўлакай шофёрлар билан мулоқот чоғида Абдулланинг аллақачон сафардан қайтганини, ҳатто куни кеча кайфи "мин" бўлиб, таралло қилиб юрганини эшитиб, ўзига таскин ҳам берди: "Ҳарқалай, келибди-ку, ошиги олчи бўлиб, балки ичган бўлса ичгандир. Кўнгил сўраб ҳозир кирсам, хурсанд бўлиши тайин".

Ҳайдовчи уни шундоққина дарвоза рўпарасига тушириб ўтди. Ичкарига кириб, от тутиб чақирса жижжитлик. Сула томонга ўтиб яна товуш берганди, дераза очилиб, ёшроқ жувоннинг ярим гавдаси кўринди.

— Уйда йўқлар!

Деразанинг шу аснода ёпилиши, қайтавер дегандек туюлди. Қайтишга қайтди-ю, эртаси куни шу дарвозани яна тақиллатди. Шундай бўлса ҳам кечагидек қисқа жавобни эшитиб, ҳайрон туриб қолди. "Ё тавба, каллаи сахарлаб қайта кетиши мумкин?" Йигит гумоннамо назар билан очик эшикдан даҳлиз ичкарисига мўралади. Қарасаки, уй соҳибининг оёқ кийими шундоққина жойида турибди. "Балки бошқа туғлиси билан... Йўқ-йўқ, агар мени чақириб келишса, уйда йўқ дейсан, дея тайинлаб қўйган бўлса-чи? Бундай эмасдиров".

Атокул ортига қайтди. Қайтди-ю, бу гал останага, унинг соҳибларига бўлган ихлоси ҳам ўзи билан қайтаётганди. Шу залда кунлар ўтди.

Бошқа юмуши йўқдек, Атокул яна қўл муддат Оқработ қишлоғи кўчаларини депсиниб юрди. Бир куни кеч жилловни туттирмаётган Абдулла шундоқ шох бе-

аста бўлашди. Аммо у бу гал ҳам алданиб қолишдан хавотирда эди.

Шира майсани, занг темирни кемирганидек, ёлгон ҳар қандай саботли қалбни ҳам кемира оларкан. Бундай ноқулай аҳволга тушиб қолган Атокул ишидаги муаммолари билан рўзгор қозонини ҳам қайната олмай қолди. Турмуш ўртоғи уч нафар пилдирак жужуқларини етаклаб, ота-онасиникига кетиб қолди. Бир йилдан ошикроқ вақт шу тариқа ўтди.

